

201 А ✓ Alisher Navoiy nomidagi

Маданият — бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир!



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№2 10.01.2019 йил

» Матбуот анжумани

Миллий маданият ривожини — тамаддун шамчироғи

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида давлатимиз раҳбарининг “2018-2022” йилларда миллий маданиятни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ҳамда “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ижроси ва вазирлик томонидан йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоби, шунингдек келгусидаги режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Маданият вазирлигининг масъул ходимлари, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ воситалари вакиллари иштирок этди.



Дастлаб, маданият вазири Б.Сайфуллаев “Ўзбекистон республикасида “Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Президент қарорининг

мазмун-моҳияти хусусида тўхталар экан, сўнгги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-тех-

ник базасини мустаҳкамлаш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

Давоми 2-саҳифада »

Ушбу сонда



«Етти юртга саёҳат»

Мустақиллик йилларида хорижий давлатларда кўргазмалар ўтказиш учун жуда катта имкониятлар яратилиб, музей экспонатлари кўпга чет эл кўргазмаларида намойиш этилди.

5-саҳифада »

Раққосами ёки «ўйинчи»

Ўқиган китобларимнинг бирида шундай жумлалар бор эди: “Хар бир қийинчилик, машаққат ортида бир мукофот бордир”. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир инсон олдига мақсад қўяр экан, унга бирдан етишиб қолмайди.

6-саҳифада »



“Устозларимиз дoston куйлаганда, тингловчилар йиғлашган”

5-саҳифада »

» Музокара

Жаноб Мун Хюнсак:

“Ўзбекистон мақом санъати маркази бўлиши керак”

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 2019 йилнинг дастлабки тадбирларини санъат соҳасидаги халқаро ҳамкорлик учрашувидан бошлади. Хусусан, жорий йилнинг 5-6 январь кунлари Маданият вазири Б.Сайфуллаевнинг таклифига биноан, IOV-ASIA (Халқаро фольклор санъати ташкилоти) минтақавий бош қотиби, IOV Корея бўлими асосчиси жаноб Мун Хюнсак юртимизга ташриф буюрди.

Мазкур учрашувни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад: ўзбек мил-

лий санъатини ҳар томонлама ривожлантириб, халқаро миқёсдаги ўрнини юксалтириш борасидаги қатор масалаларни муҳокама қилиш ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилди.

Икки томонлама учрашув чоғида: Ўзбекистон маданияти соҳасига сармоя жалб қилиш, мамлакатимизда фаолият юритаётган “Ўзбек миллий мақом санъати маркази”ни «Халқаро мақом санъат маркази»га айлантириш, юртимизда Буюк Ипак йўли

халқаро ташкилотини ташкил этиш, Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти қошида Ўзбекистон-Корея қўшма кафедрасини очиш, Кореяда бўлиб ўтадиган Халқаро ниқоб фестивалида Ўзбекистоннинг иштирок этиши, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига ҳамда Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик фестивалини ўтказишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбек мумтоз санъатининг дунё ҳамжамиятида тутган ўрнини мус-

таҳкамлаш ҳамда бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ўтказилган ўзаро мулоқот чоғида жаноб Мун Хюнсак ўз фирмулоҳазалари билан ўртоқлашиб, куйидагиларга тўхтади:

— Тарихдан маълумки, Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон азалдан маданият ва санъат ўчоғи ҳисобланган. Қолаверса, бу ўлка халқаро мақом фестивалини бошлаб берган мамлакат ҳамдир. Шунинг учун, юртингизда “Халқаро мақом санъати маркази”ни

Давоми 3-саҳифада »



Донолар сузлари »



Қийин меҳнатга кўрсатиб сабот, илмдан кидиргил ҳолатга нажот. (Фирдавсий)

Пок виждон — энг яхши ёстик. (Генрих Ибсен)

Дунёда топай десанг омонлик, Бировга заррача қилма ёмонлик. (Мухаммад Жабалрудий)

Хушхабар

Меҳнатнинг муносиб баҳоси



Халқаро Чингиз Айтматов номидаги клуб ва Ч. Айтматовнинг жамоатчилик академияси томонидан ҳар 4 йилда бир марта адабиёт, маданият ва фан соҳасидаги арбобларга академик унвони ва лауреатлик мукофоти берилди.

Бу гал ана шундай шаърафли номга эга бўлган инсонлар қаторида устоз журналист, профессор Аҳмаджон Мелибоевга академик унвони берилди. Ўзбекистон халқ артисти, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқий театр директори

Мирза Азизов адабиёт ва санъат йўналишидаги лауреатлик мукофоти билан тақдирланди. Ана шундай инсонлар билан ҳамюртликмиздан фахр туйган ҳолда, уларни юксак унвон ва мукофот билан самимий қўлаймиш!



Давоми. Боши 1-саҳифада

Миллий маданият ривожини — тамаддун шамчироғи



— Бу каби сайъ-ҳаракатларнинг самардорлигини таъминлашда Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси муҳим аҳамият касб этади, — деди Б. Сайфуллаев ўз сўзида. — Яъни, миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бўлган 9 та асосий йўналиш: моддий, номоддий маданий мерос, музейлар; театр, кино ва цирк; миллий мусиқа мактаби; миллий эстрада, миллий рақс, тасвирий ва амалий санъат; маданият ва истироҳат боғлари ҳамда маданият марказлари; илм-фан, таълим, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, маданият туризмга алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб қўйилган. Зеро, миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўққинлик қилаётган омиллар ҳам йўқ эмас. Хусусан, маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ягона ҳуқуқий база яратилганлиги, ёш ижодкорларга таълим-тарбия бериш, малакали кадрлар тайёрлаш борасида камчиликлар ҳамон мавжуд. Аксарият маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базаси замон талаблари ва халқаро стандартларга мос келмаслиги, замонавий медиа маконда миллий маданиятимиз муносиб ўрин эгалламагани, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ жорий этилмагани ҳам бор гап. Маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро фестивал ва танловларда ижодкорларимизнинг иштироки изчил таъминланмаётганлиги, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик етар-

лича йўлга қўйилмагани ҳам миллий маданият ривожига тўққинлик қилаётганини инкор этиб бўлмайди. Маданият тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходим юқорида келтирилган ўтилган муаммо ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, зиммасидаги масъулиятни янада ошириши керак. Таъкидлаш жоизки, хозирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари негизда маданият марказлари ташкил этилмоқда. 2019-2020 йилларда маданият марказлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳамда 2019-2022-йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилиниб, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати тасдиқланди. Унга кўра, 2019-2022 йилларда 147 та объектда қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, йиғилишда республикамиздаги маданият марказларининг ҳаммаси ҳам талаб даражасида фаолият юримаётганлиги, хусусан, мавжуд 894 та марказнинг 74 таси тугатилганлиги маълум қилинди. Бундан ташқари, маданият марказлари мавжуд бўлмаган чекка ва олис тоғли ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолига маданий хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш ҳамда келгусида барча чекка ҳудудларни "Автоклуб" транспорти билан таъминлаш ҳам жорий йил режасига киритилганлиги таъкидланди. Қарор ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар, соҳа ходимларини рағбатлантиришга қаратилган

сайъ-ҳаракатлар, хусусан, "Маданият ва санъат фидоқори" кўкрак нишонини таъсис этиш ҳақидаги қарор банди бутун соҳа вакиллари мамнун этди. Қарорда белгиланган энг асосий вазифа — "Маданият тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш — маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари ижодий уюшма ва бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга хизмат қилиши ҳам алоҳида таъкидланди. — Қарорда белгиланганидек, "Халқ чолғу ижрочилари", Муқаррама Турғунбоева номидаги "Миллий рақс ижрочилари" ва Юнус Ражабий номидаги "Ёш мақом ижрочилари" республика кўрик танловларини анъанавий тарзда ўтказиш, ҳар йили 21-27 март кунлари ўтказиладиган "Театр томошалари ҳафталиги"да аҳолининг театр томошаларига бепул кириши, артистлар иштирокида турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш ҳам маданиятимиз ривожини йўлидаги муҳим қадамлардан бўлиши шубҳасиз, — деди Б. Сайфуллаев сўзи якунида. Шунингдек, давлатлараро қўшма лойиҳа доирасида Буюк ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисмини "Ипак йўли: Зарафшон дарёси воҳаси" ва "Ипак йўли: Фарғона, Сирдарё ҳавзаси" номи остида ЮНЕСКОнинг умумжаҳон маданий мероси рўйхатига; Ўзбек халқининг кўҳна ва бетакрор санъати намунаси бўлган Хоразм "Лазги"сини ЮНЕСКОнинг инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича чора-тадбирлар миллий маданият ривожини таъминлаб, жаҳонтамаддунига дахл-

дорлик туйғусини шакллантиради. Шундай эзгу-мақсадлар йўлида Президентимиз томонидан тасдиқланган Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 2019-2020 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Унга кўра, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида ҳар икки йилда "Опера ва балет санъати" халқаро фестивали ўтказилиши, 2019 йилда давлат буюртмаси асосида Амир Темур (Наманган) ва Ҳаким ат-Термизий (Сурхондарё) мавзуларида тарихий спектакллар, Абай, Бобуршоҳ (Тошкент) ва Темур Малик (Самарқанд) каби 100 дан ортиқ саҳна асарлари яратилиши ҳамда интернет тармоғида республикадаги мавжуд барча музейларнинг ягона портали ташкил этилиши белгиланган. Концепцияда келтирилганидек, "Саҳродаги қасрлар", "Сармишсой", "Зарафшон" қоятош расмлари, "Қадимий Термиз", "Хонбанди" каби тарихий илмий объектларни ЮНЕСКОнинг умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиш чораларини кўриш, жорий йилда республикамизда ўтказиладиган "Шарқ тароналари", "Халқаро бахшичилик санъати", "Рақс сеҳри", "Хунармандчилик" халқаро фестивалларини кўтаринки руҳда ташкил этиш чора тадбирлари ҳам халқимиз маданияти ривожига хизмат қилади. Шунингдек, анжуманда Маданият вазири ўринбосари К.Акиловнинг "ЮНЕСКО, музейлар ва моддий-маданий мерос объектлари тўғрисида"ги, Маданий мерос объектларини муҳофиза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси бош мутахассиси Ф. Режабов-

нинг "Моддий-маданий мерос объектларини муҳофиза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ижросига доир маърузалари тингланди. Улар ўз чиқишларида Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланадиган маданий меросимизни муҳофиза қилиш, илмий ўрганиш ва ундан фойдаланиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида мулоҳаза юритишди. Хусусан, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз каби тарихий шаҳарларни ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига, "Бойсун маданий муҳити", "Шашмақом мусиқаси", "Наврўз", "Катта ашула", "Аския", "Палов тайёрлаш маданияти ва анъаналари"ни Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига, Усмон Куръони, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар тўплами, Хива хонлиги девонхона ҳужжатлари Жаҳон хотираси рўйхатига киритилганлиги юртимиз маданий меросининг дунё миқёсида эътироф этилаётганини кўрсатади. Тадбир якунида Маданий мерос объектларини муҳофиза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси ҳамда унинг минтақавий давлат инспекциялари негизда Маданият вазирилги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилиши таъкидланди. Анжуман сўнгида ОАВ вакиллари мавзуга доир ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Сайёра РИХСИЕВА

Тадбир

Ариялар
жонли
ижро
этилди

Фарғона туманидаги 26-БМСМнинг муסיқий назарий фанлар ўқитувчиси Фотимахон Хасанбоева Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» мавзусида маърузали концерт дастурини ўтказди.

Маърузада С. Юдаковнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда

«Майсаранинг иши» операси ҳақида тўлиқ маълумотлар келтириб ўтилди. Дастур давомида операдан парчалар намойиш этилгани йиғилганларда опера санъатини чуқурроқ англаш имконини берди.

Шунингдек, жонли ижродаги ариялар йиғил-

ганларда катта таассурот қолдирди.

— Ушбу концертда қатнашган барча иштирокчилар қалбда ўзбек композиторлари ижодига бўлган меҳр-муҳаббат янада ошди, — дейди 26-БМСМ ўқитувчиси Зухраҳон Убайдуллаева.

Йиғилиш

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг мажлислар залида театр соҳасида олиб борилаётган ислохотлар шунингдек, 2019 йилга белгиланган вазифалар ҳамда режалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Амалий ишлар ва истиқболдаги режалар муҳокамаси

Тадбирда Маданият вазирлигининг Театрларни ривожлантириш бошқармаси вакиллари ҳамда театр соҳаси ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни кириш сўзи билан очиб берган Маданият вазирининг биринчи ўринбосари О.Назарбеков қуйидагиларга тўхталди.

— 2018 йилда театр соҳасида қўлга киритилган ютуқлар арзирли бўлди, аммо бу кўзланган мақсадга эришдик, дегани эмас. Олдимизда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Жорий йилда маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш борасида қабул қилинган қарор ва фармонларнинг асл моҳиятини тушуниш, ҳис қилиш, ижросини ўз вақтида таъминлаш зиммаларимиздаги асосий вазифа ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида театр санъатини янада ривожлантириш, театрларнинг давр талабига мос репертуарларини шакллантириш, ушбу санъатни халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш, шу орқали уларнинг маданий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлод қалбига эзгу ғояларни камол топтириш, театр ходимларининг ижодий салоҳияти ва тажриба маҳоратини оширишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Театр арбоблари уюшмаси ташкил этилди. Ана шу уюшма фаолиятини тақомиллаштириш, халқона руҳдаги спектакллар сонини кўпайтириш каби жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

— Мазкур йиғилишни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, 2018 йилда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликларни таҳлил қилиш, шунингдек, 2019 йилда қилиниши лозим бўлган қатор масалаларни аниқ мезонлар асосида белгилаб олишдир, — дейди Театрларни ривожлантириш бошқарма бошлиғи Муқаддас Ахмаджонова. — Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси театр арбоблари уюшмаси ташкил этилганига деярли бир йил тўлди, — Маданият вазирлигида амалга оширилаётган ишларнинг тегишли ваколатини Театр арбоблари уюшмасига ўтказиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир. Театрларни ривожлантириш бошқармасида ходимлари сони кам бўлганлиги боис, театр соҳасини ривожлантириш бўйича қатор масалаларни бир маромда олиб бориш ҳамда назорат қилиш бироз мушкул.

Йиғилишда 2018 йилда бу соҳада эришилган ютуқлар бирма-бир санаб ўтилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-3022-сон қарори ва унинг ижроси юзасидан қабул қилинган Назорат режасидаги ҳар бир топшириқни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш борасида 2018 йил 10-13 июль кунлари Республика кўғирчоқ театрларининг анъанавий XI кўрик-фестивали ҳамда Ватанимиз мустақиллигини, миллий кадрларимизни тараннум этувчи, томошабинлар қалбига инсоний фазилатлар, эзгулик, ватанпарварлик каби туйғуларини кучайтиришга хизмат қилувчи саҳна асарларини тарғиб қилиш, ёшлар орасида маъ-

навий-маърифий ишларни янада ривожлантириш, театр жамоаларининг ҳамкорлик доирасини кенгайтириш ва ўзаро ижодий тажриба алмашишни юзага келтириш, ёш ижодкорларни аниқлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш мақсадида «ДЕБЮТ — 2018» V Республика кўрик-фестивали 2018 йилнинг 25-30 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилди. Ушбу тадбирларда намойиш этилган саҳна асарларининг барчаси тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлар, хусусан, Чингиз Айтматовнинг 17 та асари саҳналаштирилгани таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, Маданият вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги

614-сонли буйруғига асосан, Республика театрлари ижодий фаолиятини янада тақомиллаштириш, репертуарларнинг замон талаблари даражасида олиб борилиши, унинг ғоявий-бадий, маданий-маърифий, тарбиявий жиҳатдан салоҳиятли, мазмундор драматургия намуналари билан бойитилиши, театр санъати соҳасида ёш актёрларнинг кашф қилиниши ва ижодий фаолият самардорлигини ошириш, давлат театрлари фаолиятини танқидий нуктаи назардан ўрганиш мақсадида 2018 йил 3-20 октябрь кунлари ишчи гуруҳлар томонидан барча давлат театрлари ўрганилгани таъкидланиб, бу борадаги фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдириб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда театр соҳаси вакиллари ўзларини қизиқтирган саволлар ва ўзларининг таклифлари билан ўртоқлашиб, келгусида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Давоми. Боши 1-саҳифада

“Ўзбекистон мақом санъати маркази бўлиши керак”



очиш керак, деб ўйлайман. Бу жараёнда барча ташкилий асослар билан бирга, мақом санъатининг келиб чиқиши тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган веб-сайтни ишга тушириш, барча иштирокчи мамлакатларнинг мақом ижрочиларини таклиф этиб, биринчи Халқаро Санъат форумини ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Шаҳрисабздаги мақом музейида барча давлатларнинг мақом санъатига оид қолгу асбоблари, китоб, расмлар ва видеоматериалларни экспозиция сифатида жойлаштириш лозим. Шунда, музей янги экспозициялар билан бойийди. Ушбу саъй-ҳаракатлар амалга оширилса, 5-7 йилдан сўнг, мамлакатингиз “Мақом маркази” сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКО рўйхатидан жой олади.

Музокара давомида Маданият вазири Б.Сайфуллаев ҳамда Жаноб Мун Хюнсак муҳокама этилган мавзулар юзасидан ўзаро ҳамфикр бўлишди.

— Давлатимиз раҳбари ўзбек халқининг миллий санъати ва маданиятини намоён этишга алоҳида эътибор қаратаётганликлари қатор имкониятлар эшигини очмоқда, — деди Б. Сайфуллаев. — Бу эса, маданият соҳаси мутасаддиларидан ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндошган ҳолда фаолият олиб боришларини тақозо этади.

Учрашув чоғида “Шарқ тароналари” концепциясини ўзгартириш борасида ҳам қатор таклифлар илгари сурилди. Хусусан, мазкур фестивалда асосан ЕвроОсиё халқлари мусиқалари билан иштирок этиб келаётганлиги, биринчи навбатда, ўзбек миллий мусиқалари ижро этилиши лозимлиги қайд этилди. Шу билан бир қаторда, мазкур фестивалда Марказий Осиё мамлакатлари, Туркия ва Европа давлатлари ҳам иштирок этади, бу ўзбек мусиқа санъатини дунёга янада кенгроқ танитиш имконини яратади. Бундан ташқари, фестивал доирасида “Шарқ тароналари” санъат кўргазмасини ташкил этиш, бу борада соҳадаги дунёнинг етакчи овоз ёзиш студиялари, тарғиботчилар, агентликлар, ҳамда сайёҳларнинг эътиборини жалб этиш муҳимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шунингдек, мулоқот чоғида ЮВ халқаро ташкилотига 100 дан ортиқ мамлакатларнинг авзо эканлиги, Ўзбекистоннинг ҳам бу қаторга қўшилиш орқали мамлакатда ўтайдиган халқаро фестиваллар ҳақида бир вақтнинг ўзида 100 дан ортиқ мамлакатда эълон бериш имкониятини қўлга киритиш мумкинлиги таъкидланди.

Шунингдек, интернет тармоғида юртимиздаги осоритиқалар, тарихий обидалар ва ёдгорлик ҳақида ҳамда ўтказилаётган фестиваллар хусусида инглиз тилида маълумотлар тайёрлаб жойлаштириш зарурлиги қайд этилди. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг ўтмишдаги видеолавҳаларини дунёдаги фойдаланувчиларга юклаб олиш имкониятини яратиш ҳам қўшимча даромад, ҳам мамлакатимизга сайёҳлар оқимини оширишда муҳимлиги ҳам белгилаб қўйилди.

Шунингдек, музокара давомида ҳар икки томоннинг маданият ва санъат соҳасидаги фестивалларни ташкил этишда, давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини кенгайтириш, маданият ва санъат йўналишидаги олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, “Халқаро мақом маркази” ҳамда Ўзбекистонда Буюк ипак йўли халқаро ташкилотини ташкил этиш ва халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида муҳим сарналган масалалар юзасидан келишиб олинди.

Наргиза САФАРОВА

» Табиат ва инсон

Музейда дарс



Ўзбекистон Давлат табиат музейида “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”га бағишлаб, Ўрта Чирчиқ тумани 51-умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирокида ёшларнинг дунёвий билимларини ривожлантиришга

қаратилган Ватанга ва табиатга меҳр-муҳаббатини ошириш, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлашга ўргатиш мақсадида, “Ўзбекистонда учрайдиган заҳарли ҳайвонлар” мавзусида маъруза ташкил этилди.

Шунингдек, ўқувчиларга музейда мавжуд мавзуга оид экспонатлар ҳақида умумий маълумотлар берилди. Мазмунли ва ҳар томонлама қизиқарли ташкил этилган маърузадан сўнг музей бўйлаб экскурсия уюштирилди.

» Мулоҳаза



Андижонда янги кўзи ожизлар кутубхонаси қурилади

Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2018 йил 18 сентябрдаги 739-сонли қарорига асосан, Андижон вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 25 сентябрда 614-Қ сонли қарори ҳамда Чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Дастурга асосан, 2019-2021 йилларда вилоят кўзи ожизлар кутубхонасини қайтадан қуриш режалаштирилган. Шунингдек, дастурнинг 2 бўлим, 8 бандига асосан, вилоятдаги ҳар бир туман миқёсида 1-3 — гуруҳ кўзи ожиз ногиронлиги бўлган шахслар сони 250 нафардан ортқ бўлса, шу туманда янги кўзи ожизлар кутубхонаси қуриш ҳам белгилаб қўйилди.

— Ҳозирда олдимизда турган муҳим вазифалардан бири — тумандаги мавжуд кўзи ожизлар кутубхоналардаги шарт-шаротларни яхшилаш ва янгиларини барпо этиш, — дейди вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори Холда Умарова. — Дастурда белгиланган барча ишлар амалга оширилса, ўйлайманки, 3-4 йилдан сўнг, кўзи ожиз китобхоналаримиз ҳам энг замонавий кўриниш ва қулайликларга эга кутубхона хизматида фойдаланишади.

Бугунги кунда Андижон вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида 3та бўлим фаолият юритмоқда. Булар: китобхоналарга хизмат кўрсатиш; китобларни қайта ишлаш ва жамлаш; методика библиография бўлими.

Республика марказий кўзи ожизлар кутубхона белгилаб берган режаси асосида иш фаолиятини амалга ошираётган ушбу кутубхонада тўрт хил шаклдаги китоблар мавжуд. Булар Брайль ёзувидаги нуқтали ҳарфда ўқиладиган адабиётлар; Яш ҳарфда чоп этилган китоблар (бу китоблар лотин ва кирилл алифбосида чоп этилган); гапирувчи китоблар ва диск шаклидаги китоблар.

Гапирувчи китобларнинг ўзи 2га бўлинади: ўрамли шакл ва микрокассета шаклидаги китоблар. Бундай шаклдаги китоблардан, бахтсиз тасодиф туфайли кўзи ожиз бўлиб қолган китобхоналар фойдаланади.

— Олдимизга қўйган мақсадларимиздан бири микро босмахона ташкил этиш эди, — дейди китобхоналарга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Қобилжон Қурбонов. — Ушбу ташаббусимизни қўллаб-қувватлаётган Андижон вилояти ҳокимлиги кўмаги билан бу борадаги ҳаракатлар бошланди. Ҳозирда мавжуд муаммо бу — кўзи ожиз китобхоналар фойдаланиши учун адабиётлар етарли эмаслиги. Имконияти бўлса, гапирувчи китобларнинг электрон шаклини кутубхонамизнинг почта манзилига жўнатиб беришса, нафақат кутубхона ходимлари, балки китобхоналаримиз ҳам хурсанд бўлган бўларди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар кўзи ожизлар кутубхоналари фаолияти ҳам тубдан такомиллаштирилиб, китобхоналаримизнинг оила аъзоларига, кўзи ожизлар жамияти тизимидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарда хизмат қилувчиларга, кўз касалликлари бўйича фаолият кўрсатувчи шифокорлар, кўзи ожиз болалар, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари учун замонавий кутубхоналарни яратиш беришга хизмат қилади.

» Эътибор

Фидойилар меҳнат қилар бу маконда...



Мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасига қаратилаётган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитлар, янги ланишлар самараси Самарқанд шаҳар 3-сонли 2-типдаги БМСМда ҳам бўй кўрсатмоқда.

Ушбу муассасасида таълим олаётган ўқувчилар 13 та йўналиш бўйича билим олишмоқда. Ўқувчилар жами 20 та умумий ўрта таълим мактабларидан қатнаб ўқишмоқда.

Бизни қарши олган мактаб директори Исмаи Хусайнов мактабда мавжуд шариоитлар билан таништирар экан, қуйидагиларга тўхталди:

— Дарҳақиқат, бугун барча ёш вакиллари учун имконият эшиклари кенг очилган десак, айна ҳақиқатдир. Давлатимиз раҳбарининг ёшларимизга бўлган эътибори самараси ўлароқ, ота-оналар ҳам ўз боласининг қизиқиши ва истакларига қараб, касбга йўналтираётганлиги ҳам эътиборга молик. Исмаи ака бизни бошлаган хонадан ёқимли хониш ила таралаётган мумтоз наво беихтиёр киши руҳиятини сокинлаштиради. Ижрочи ўқувчи Амир Ҳакимов куйлаётган мақомни ўз маромига етказиб куйлаши ҳам устозларнинг машаққатли меҳнати маҳсулидир.

Шундан сўнг, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қайтаров томонидан ташкил этилган очиқ дарсни кузатдик.

Дарс давомида ўқувчиларнинг фаоллиги, шижоатидан бу масканда ана шундай маҳорат дарслари ўтилишидан далолатдир.

— Юртбошимизнинг: “Қайси соҳа вакили бўлмангиз, энг муҳими халқ-

нинг ичига кириб бориш керак” деган сўзларини ўзим учун дастуриламал қилиб олганман, десам муболаға бўлмайди, — дейди Эркин ака. — Гарчанд санъат коллежида ишласамда, ёшларга мақом санъатини ўргатиш билан бирга айнан мана шу Амирбек сингари мурғак қалбларни санъатга бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш мақсадида лицей, коллеж, умумтаълим мактаблари, БМСМ ва маҳалларда бир қанча концерт дастурларини ташкил этиб келямиз. Тингловчилар ёш ижрочиларнинг чиқишларини олқишлар билан қўллаб-қувватлашмоқда. Шундай-дамларда меҳнатим самарасидан эмас, санъатимиз, маданиятимизни халқимиз қандай бўлса, шундайлигича ёшларимизнинг ижросидан қабул қилаётганликлари, анъаналар давом этаётганидан қувонаман.

Халқимизга ўз санъатимиз билан, ёшларимизга ўз билимимиз билан қанча хизмат қилсак шунча кам. Давлатимиз раҳбари ўз ташаббуслари билан мақом санъати фестивалини ташкил қилганлиги, бу жуда ям катта мақом санъатига, мақом ижрочиларига берилган энг олий имкониятлардан биридир. Дунё халқлари ушбу фестивал орқали ўзбек халқининг санъати, маданияти, миллий урф-одатлари, қадриятлари, инсонларининг меҳр-муҳаббатига тўла

қайноқ қалблари ва сеҳрли сўзлари билан танишди. Шарқ тароналари халқаро фестивалида ҳам доим иштирок этман. Бошқа миллат вакилларининг “сизларнинг санъатларингизни такрорлаб бўлмайди. Қаерга борсак, ҳаттоки, бизнинг санъатини ҳам бизданда зиёд қилиб, ижро этиб беришяпти. Сизларнинг санъатингизни, ҳоҳласак ҳам, нотага ёзиб берса ҳам, биз ижро қилолмаймиз. Демак, сизларнинг халқингиз, санъатларингиз буюқлиги бежиз эмас экан”, дейишгани ҳам кишига гурур бағишлайди. Дарвоқе, миллий мумтоз, мақом санъатимиз шундай бир жозоба ва кучга эгаки, ундан ҳар бир инсон таъсирланади. Ҳаттоки, бефарқ одамни ҳам ҳофизнинг усталиги билан, қайсидир жиҳатлари ўзига тартади. Мана мақомнинг илоҳий бир кучи!

Қолаверса, мақом санъатини энг нодир, энг мураккаб, энг жозибали санъат, деб эътироф этилиши ҳам бежизга эмас.

Ватанга, она тупроққа қарата айтилган ҳар битта сўз биз-у, сизга ҳам тегишлидир. Шундай экан, ҳар биримиз ватанимиз келажаги учун сидқидилдан меҳнат қилишимиз лозим. Зероки, бу — бизнинг халқимиз олдидаги бунларимиздан биридир!

Равшан ХУРРАМОВ

Тўхфа

Саховат шодиёнаси томошага уланди



Жиззах шаҳридаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ҳамда имконияти чекланган болажонларнинг 200 нафарига шаҳар ҳокими Акбар Шукуров томонидан янги йил совғалари тақдим этилди. Байрам тадбири шўшодон куй-қўшиқларга

улашиб кетди.

Шунингдек, Жиззах вилояти мусиқали драма театрида ёш режиссёр Шохрух Йўлдошев томонидан саҳналаштирилган “Олмос ботир саргузаштлари” номли эртақ спектакли намойиш этилди. Мазкур спектаклнинг бosh

қаҳрамонлари Қорбобо ва Қоркиз ўзларининг турли куй-қўшиқлари билан қатнашчиларга кўтаринки кайфият улашди.

Болажонлар учун чинакам байрам тўхфасига айланган мазкур саҳна асарининг бешинчи январга қадар намойиш этилди.

Кўргазма



«Етти юртга саёҳат»

Мустақиллик йилларида хорижий давлатларда кўргазмалар ўтказиш учун жуда катта имкониятлар яратилиб, музей экспонатлари кўплаб чет эл кўргазмаларида намойиш этилди. Биринчи президентимиз “Ўтмишини билмаган халқнинг келажаги бўлмайди”, дея ота-боболаримиз меросини жаҳонга танитиш ва туризмни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратди. Шу йўсинда рус, ўзбек авангард даври расмларининг асарлари, қорақалпоқ халқ амалий санъатининг бебаҳо намуналарини сақлаб қолган маданий марказ — дунёга “Саҳродаги Лувр” номи билан донг таратган И.В.Савицкий музейи бир қанча чет давлатларда кўргазмалар ўтказди. Жумладан, музейнинг халқ амалий санъати бўлими экспонатлари мустақиллик йилларида етти мамлакатда: Испания, Швейцария, Франция, Италия, АҚШ, Австралия, Россия кўргазмаларида намойиш этилди. Бундай кўргазмалар давлатлар орасидаги маданий алоқаларда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, кўргазманинг ўтказилиш ўрни, экспонатларнинг сақланишида, олиб чиқиш ва кириш (транспортировка) да масъул ходимлар бириктирилиб, ҳамма шароитлар яратилгандан сўнг ўтказилади.

Бундай шароитлар куйидаги давлатларда яратилиб, томошабинларга қорақалпоқ маданиятини акс эттирувчи экспонатлар кўрсатилди. Бундай кўргазмаларнинг чет элларда кўрсатилишининг асосий мақсади музейнинг бой тўпламларини, айниқса, ўзига хос қорақалпоқ халқ амалий санъатини дунё жамоатчилигига таништиришдан иборат.

Яқинда музейимизда юқорида келтириб ўтилган дунё мамлакатларидаги кўргазмаларда намойиш этилган экспонатлардан иборат “Етти юртга саёҳат” номли кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада Қорақалпоқ халқининг бой миллий меросининг намуналари бўлган нафис нақшли каштали кийимларнинг бир неча турлари, ўтовнинг такрорланмас гўзалликка эга тўқимачилик намуналари, аёл-қизларнинг безак буюмлари, ёғочдан ишланган

хўжалик буюмлари ўрин олган. Музейга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар ҳамда санъат ихлосмандлари ҳар бир экспонатга юқори баҳо беришди.

Улар ушбу экспонатлар орқали қорақалпоқ халқининг тарихи, турмуши, амалий санъати билан танишиб, кенг маълумот олиш имконига эга бўлишди. Экспонатлардаги ҳар бир нақшни, атамаси маъноларини, рангларнинг уйғунлигини кўрган санъатшунослар буларга қорақалпоқ халқининг дунё маданиятига қўшган катта улуши дея таъкидладилар.

Этиборлиси, бутун жаҳонда Оролга экологик муаммо маркази сифатида қараб келинаётган бир пайтда Савицкий музейи ҳақида, дунё нигоҳида бошқача тушунча пайдо бўлди. Бир неча мамлакатлар кўргазмаларида қатнашган экспонатларга бағишланган ката-

лог-китоблар чоп этилди.

Буларнинг барчаси юқори даражада ташкиллаштирилиб, санъатшунослари диққатини тортди, «Нью-Йорк Таймс», «Санди Таймс», «Гардиан», «Эль», «Она» каби бир неча хорижий нашрларда мақолалар чоп этилди. Мазкур кўргазмалар унга қизиқувчилар сонини кундан-кунга ортишига сабаб бўлди. Музей жаҳонга машҳур 29 ўриннинг бири, шунингдек, музей жойлашган Нукус шаҳри йирик шаҳарларнинг 10 талигига киритилди.

Айтиш мумкинки, “Етти юртга саёҳат” кўргазмасида ота-боболаримиз қолдирган маданий мерослар ва қорақалпоқ элининг маданияти, санъати, урф-одатлари яққол акс этган.

Айгул ПИРНАЗАРОВА,
Музейнинг этнография бўлими катта илмий ходими



Жараён

Хон оиласи яшаган бинода янги экспозиция



2018 йилнинг ноябрь ойида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи чоғида воҳода туризм салоҳиятини янада яхшилаш, Хива хонлиги тарихини чуқур ўрганиш, маданий, меъморий ёдгорликларни тарғиб этиш борасида қимматли таклиф ва тавсиялар билдирган эди.

Айни кунларда тегишли идора ташкилотлар, мутахассислар, олимлар иштирокида музей шаҳарда амалий ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, Хивага ташриф буюраётган маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар чексиз завқ ва ҳайрат билан томоша қиладиган музей экспозициялари сони яқинда яна иккитага кўпаяди. “Ичан Қалъа” давлат музей кўриқхонаси маъмурияти ташаббуси билан Кўҳна Арк мажмуасидаги Хон оиласи истиқомат қилган бинода янги экспозиция ташкил этишга киришилди. Унда Хива хонининг шахсий ва оилавий турмуш тарзи ўз ифодасини топади.

— Маълумки, Ичан-Қалъада меъморий ва маданий обидалар кўп, — дейди “Ичан-Қалъа давлат музей кўриқхонаси” си директори Шоназар Матякубов. — Кўҳна Арк мажмуасини эса “қалъа ичидаги қалъа” дейиш мумкин.

Бир гектардан зиёд майдонни эгаллаган, баланд девор билан ўралган Арқда кўринишхона (Хон арзхонаси), зарбхона, ёзги ва қишки масжид, аслаҳахона, ўқ-дори тайёрланадиган устахона, омборхона ва махсус майдонлар билан бирга ҳарам ҳам жойлашган.

У Арқнинг шимолий қисмидан ўрин олган бўлиб, 1910 йил Муҳаммад Раҳимхон II ҳукмронлиги даврида яхлит ҳолга келтирилган. Ҳозирги кунда хон ва унинг оиласи истиқомат қилган уй ва айвонларда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Янги ташкил этиладиган музей экспозицияси ва ундан жой оладиган нодир экспонатлар узоқ-яқиндан келган сайёҳларга Хон ва унинг оиласи ҳаётини тўлароқ тасаввур этиш имконини беради.

Маълумки, 1967 йилда юртдошимиз, тиббиёт фанлари доктори, профессор Отаназар Абдуллаев ташаббуси билан Ичан-Қалъада “Хоразм таоботи” музейига асос солинган эди. Айрим сабаблар билан фаолияти тўхтаб қолган ушбу йўналишидаги экспозицияни ҳам Шерғоziхон мадрасасида қайта ташкил этишига киришилди.

Келгусида Қадим Шарқда, шу жумладан Хоразмда таобат соҳасига оид тарихий осоритикалар, қўлёзмаларнинг ушбу экспозициядан ўрин олиши режалаштирилган.

Отабек ИСМОИЛОВ, Музей-кўриқхонаси катта илмий ходими

Хабар

Педагоглар учун маҳорат дарслари



Фаргона санъат коллежида вилоят маданият бошқармаси томонидан “Таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашда ўзвийлик ва уликсизликнинг таъминлаш” мавзусида ўқув семинари ташкил этилди. Унда бошқарма бошлиғи

Б.Султанов, бошқарма мутахассиси Ф.Умарова ҳамда Санъат коллежи директори Ю.Ғофурбековнинг маърузалари тингланди. Семинарда санъат коллежи ва вилоятдаги барча болалар мусиқа ва санъат мактабларининг раҳбарлари

бўлим бошлиқлари ва ўқитувчилар иштирок этишди. Шунингдек, коллежнинг малакали устозлари томонидан ёш ўқитувчиларга дарсларни самарали ташкил этиш ҳамда ўқувчи билан ишлаш юзасидан сабоқлар берилди.

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ



2019 йил 7 февраль куни бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказилади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 1«А»-уйда жойлашган Қишлоқ ва сув хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази балансидagi 2001й. и/ч, д/р 01/0742ВА, бошлангич нархи 10 250 000 сўм бўлган «DAMAS» русумли; Тошкент ш., Чилонзор тумани, «Олмазор» даҳаси, 17-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББга бевоасита бўйсунувчи Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида батальони балансидagi 1992й. и/ч, д/р 01/344VSB, бошлангич нархи 21 535 000 сўм бўлган «ГАЗ 3307» русумли автотранспорт воситалари; Тошкент ш., Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 136-уйда жойлашган «MODDIY-TEKNIK TAMBOT BOSHQARMASI» ДК балансидagi умумий бошлангич нархи 82 977 883 сўм, 1996й. и/ч, д/р 01/190АСА бўлган «САМАЗ 5410» русумли автотранспорт воситаси ва унга уланган 1990й. и/ч, д/р 01/2874AA бўлган «МАЗ 9397» русумли ярим тиркама (бортли) кўйилади.

Талабгорлардан буюртмаомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi зақалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган зақалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоиздан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тўзилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари ва ярим тиркама юқоридa белгиланган савдо кунидa сотилмаган тақдирда, улар бўйича тақрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситалари ва ярим тиркамага қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилларнинг ҳолатида курсатиб ўтирган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва кундаги курсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

Мулоҳаза

Раққосами ёки «ўйинчи»

Ўқиган китобларимнинг бирида шундай жумлалар бор эди: “Ҳар бир қийинчилик, машаққат ортида бир мукофот бордир”. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир инсон олдига мақсад қўяр экан, унга бирдан етишиб қолмайди. Бу йўлда тинмай изланади. Қанчадан-қанча, қийинчиликларни енгиб, сўнг унга эришади. Алалоқибат, меҳнатлари, мукофотини олади. Ўзбек миллий рақс санъати фидойиларини ҳам шундай инсонларга менгаш мумкин.



Тарихда аёллар илк бор паранжисини ечиб, рақс туша бошлаган пайтларида одамлар уларни тошбўрон қилишган, Омма олдида рақс тушишгани учун тақдири аянчли якун топганлиги тарихдан маълум. Шу каби маълумотларни ўқиган киши ўзбек миллий рақсларимиз шу даражада қандай қилиб етишганини фаҳмлаши қийин эмас. Ўтган асрда ижод қилган рақс санъати усталари Тамараҳоним, Уста Олим Комиллов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Мукаррама Турғунбоеваларнинг меҳнатлари самарасини бугунги авлод вакиллари кўрмоқда. Улар ҳар бир маҳалла, туман, қишлоқ, овулма-овул юриб, халқ орасидан кичик-кичик ўйинларни тўплаб, уларни тиклаб, бир тизимга қўйишди. Ўзбек рақс санъатини ишлаб чиқиш, уни профессионал даражага кўтаришди. Ҳозирги кунда ўзбек миллий рақс санъатини севиб, уни ўрганиб, бутун дунёга тарғиб этаётган ёшлар, мана шу буюк инсонларнинг қолдириб кетган меросини асраб-авайлаб ижро этиб келишмоқда.

Лекин, халқимиз орасида санъатни тушунмайдиган инсонлар ҳам бор. Айниқса, рақс санъатини алоҳида эътироф этиш жоиздир. Масалан, шундайлар борки, улар рақсни ўйиндан, ўйинчини раққосадан фарқлай олмай, бу касб эгаларига нисбатан ноҳақлик қилишмоқда. Бундай фикрдаги кишилар хатто рақс санъатини умуман касб даражасида қўришмайди. Буни рақс санъати борасидаги билимларининг етишмаслигидан, деб ўйлайман. Аслида оддий ўйинчи билан маҳоратли раққоса ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Ҳақиқий раққосалар 5-синфдан рақс мактабига қабул қилинади, кейин коллеж, институтларда ўқиб, рақс санъати бўйича устозлардан таҳсил олиб, мусиқа ва рақс ансамблларида, турли тадбирларда иштирок этиб келишади. Эрта-ю кеч тиним билмай ишлашади. Профессионал раққосалар инсоннинг гўзал бир ички кечинмаларини, дунёдаги жамик яхши хис туйғуларини, нафис хатти-ҳаракатлар орқали тушунтириб беради. Одамлар қалбига мана шу санъати орқали кириб боради. Оддий ўйинчи эса, бу ҳисларни асло бошидан кечирмай туриб, фақат ташқи ҳаракатлари орқали одамларни ўзига маҳлиё қилмоқчи бўлади. Улар миллий рақс, хореография кўчасидан ҳам ўтмаган, ҳеч қандай рақс мактаби-ю институтларига ҳатто бориб ҳам қўрмаган, фақат ва фақат маблағ орттириш илинжида қўришади. Бирор устознинг этагидан тутиб, маҳоратини ошириш ҳақида ўйлаб ҳам қўришмайди. Бундай ўйинчиларни “раққоса” дейиш катта хатодир. Шунингдек миллий рақс дурдоналарини ижро этаётган маҳоратли раққосаларни “ўйинчи”, деб аташ ҳам мутлақо нотўғри.

Бизнинг хореография олий мактабимизда таҳсил олаётган бўлажак раққосалар ҳақида ана шундай фикрлар ҳамон мавжудлиги боис, айрим муаммоларга дуч келишмоқда.

— Санъатнинг нонини ейиш қийин, дейишади. Бу гаплар ҳақиқат эканлигига кун сайин амин бўлаёяман, — дейди мактабнинг хореография жамоалари раҳбарлиги бўлими 2-курс талабаси Зарина Турсунқулова. Раққосаликка ўқийётганмизни билган, “Эй бу оддий ўйинчи экан-ку!”

дейишади. Шунча пайтларда дилим огрийди.

Республикаимиз бўйича ягона ҳисобланган Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ҳам тарихда оддий мактаб, студия бўлган ва ҳозирги кунга қадар кўплаб йўллари босиб ўтиб, катта бир олий даргоҳга айланганини таъкидлаш жоиз. Профессионал раққоса ва раққосаларни етиштириб чиқараётган олий мактабни ҳақиқий ижод маскани десақ, ҳечам адашмайман. Уерга фақат юрагида ўти бор, яратган томонидан бериладиган қобилияти бўлган ёшлар қабул қилинади. “Ўйинчи” деган сўз бударгоҳ учун мутлоқо беғона.

Мана шу масканда таълим олаётган ҳар бир талаба ўз бударгоҳ учун мутлоқо беғона. Мана шу масканда таълим олаётган ҳар бир талаба ўз ҳоҳиши, истақлари, қобилияти орқалигина қиради. Чунки, ҳеч бир ота-она фарзандини санъат соҳасида ўқишига мажбур қилмайди. Бу унинг фақат ўз меҳнати ва истеъдодига боғлиқ.

— Биз ҳозирда оддий талаба бўлишимизга қарамай ўқишдан ташқари катта концертларда, давлат тадбирларида иштирок этиш, маҳоратимизни ошириш учун тинимсиз машғулотлар ўтказамиз, — дейди хореография жамоалари раҳбари 2-курс талабаси Хушнoза Абитдинова. — Бизнинг соҳамиз қанчалик машаққатли, масъулиятли эканини устозларимиз ва ўзимиздан бошқаларга қоронғу назаримда. Биласизми, рақс санъатининг шундай фидойилари борки, мен уларга ҳавас қиламан. Улардек бўлишни истаёяман. Устозларимиз Маъмура Эргашева, Ўғиллой Мухаммедова, Роза Искандарова қабилир ўз касбининг фидойилари. Улар

мана неча йилдирки, касбларига содик. Устозларимиз бир-бирдан чиройли, гўзал ҳаракатлардан таркиб топган миллий рақсларимизни юрак-юракдан тараннум этишган.

Менимча, рақс санъати худди спорт каби киши саломатлиги учун ҳам жуда фойдалидир. Бизнинг олий мактабда дарс бериб келаётган устозларимизнинг аксарияти ёши улуг, кекса бўлишига қарамай ҳали ханузгача бардам, бақувват ва соғломдир. Улар бизларга ўргатаётган ҳар бир ҳаракатларини шундай, ижро этиб беришадикки, бошқа соҳа вакиллари бу жараённи кўришса, ҳайрон қолиши табиий. Баъзан, ўзимиз ҳам уларни кузатиб туриб, уларнинг енгил ҳаракатларидан ҳайратга тушамиз.

Юқоридa келтирилган фикрларимиз шунчаки, оддий гап бўлиб қолмаслиги керак. Тақлифим, ўзбек рақс санъатини худди мусиқа фани сингари умумтаълим мактабларида ҳам фан сифатида дарсларга киритиш лозим. Хусусан, 5-синфдан бизнинг ўзбек миллий рақсмиз тарихи, унинг намояндалари ҳақида ўргатилиб борила, одамларда болаликдан бу касбга нисбатан тушунча пайдо бўлади. Энг асосийси, улар, оз бўлсада унинг машаққатларини кўриб, ҳис қилиб улғайишади. Таълим олганларнинг барчаси раққос ёки раққоса бўлиб етишмас, лекин санъатни тушуниб, айниқса, “раққоса” билан “ўйинчи” орасидаги тафовутни англаб етиши шубҳасиз.

Мафтуна МИРЗАХУҲАЕВА,
Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаси

Тадбир

Мумтоз
наволар
тараннуми

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 8-сонли БМСМда «Устоз ва шогирд анъаналари» деб номланган ижодий кеча бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги машҳур устоз санъаткор Тўймурод Қо-

диров бошчилигидаги «Манзур» ҳамда мактабнинг «Шукрона» маком ансамбли ҳамкорлигида ижодий кеча ташкил этилди.

— 2019 йилда мактабимиз жамоаси ташаббуси билан ардоқли актёрлар ва миллий иж-

рочиликнинг маҳоратли санъаткорлари иштирокида турли ижодий кечаларни ўтказишни режалаштирганмиз, — дейди мактаб директори Камолитдин Тойиров.

Шунингдек, мактаб жамоаси бу каби

тадбирларни ташкил этиш орқали болаларнинг руҳий ва маънавий оламини юксалтириш баробарида миллий санъатимизга бўлган меҳрни янада ошириш каби натижаларга эришишни кўзлаган.

Нигох

Музей тарихига
бир назар...

Музей-халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари-келажак авлод қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат.

Исло Каримов

Истиқлол йилларида, ижодкор халқимиз хунармандчилиги, дунёга донг таратган олим фозиллари ҳақида маълумотлар берувчи музейлар фаолиятини такомиллаштириш, замон талаблари даражасида экспозициялар яратиш ҳамда бу кўргазмаларда юртимиз ва давлатчилик тарихини ўзида намоеён этувчи қадимий ҳамда бетакор ноҳир ашёларни намойиш этишга қаратилган ишларни амалга оширишга давлат томонидан эътибор кучайтирилди.

2018 йилгача музейларга оид жами 33 та меърий ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлиб, уларнинг биттаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, тўртта Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, 5 та Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 24 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидир.

Наманган вилоятида 1920 йилда ташкил этилган Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи ҳам маънавий-маърифий муассаса бўлиш билан бирга аждодлар меросини сақлайдиган, ёш авлодда фахр, ифтихор туйғуларини шакллантирувчи кўзгудир.

98 йиллик тарихга эга мазкур музей Наманган шаҳридаги 1-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Владимир Иванович Иванов ташаббуси билан ташкил этилган. В.Иванов 1919 йили мутасаддиларга ёзган хатида ўқувчиларга пухта билим бериш мақсадида Наманган шаҳрининг мактабларидаги барча физика ўқув асбобларини бир жойга жамлаш ва ягона физика лаборатория хонасини

ташкил этишни таклиф қилган.

Бу таклиф маъқулланиб, Наманган шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфида физика музейи хонаси ишга тушди.

1920 йилга келиб халқ таълими бўлими янги музейни моддий техник базасини мустаҳкамлашга эътиборини кучайтириб, экспонатлар сотиб олиш учун маблағ ажратди. Республикадаги кекса маънавий-маърифий муассаса бўлган музей мазкур бинода 1988 йилга қадар фаолият юритди.

Наманган вилоят ўлкашунослик музейи ташкил бўлган дастлабки йилларда жамғарма фонди, бўлим ва экспозицияларни очиш учун етарли экспонатлар йўқ эди. Асосан, экспонатлар геология, минерология ва зоологияга тегишли бўлиб, хазина фондида 1000 га яқин ашёлар бор эди.

1938 йилда музей кўргазма залларини қайта жиҳозлаш мақсадида вақтинчалик ёпилди. 1939 йилда табиат, тарих каби бўлимлар ташкил этилиб, жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. 1940 йилга келиб эса, экспонатлар сони 10000 тани ташкил этди. Унда ўлкамиз табиатига, тарихий ёдгорликларига, меъморчилик, амалий санъат, тиббиёт, маданий ҳаётини акс эттирувчи экспонатлар жамланди. 1941 йил 2-жаҳон уруши сабаб, 1943 йилга қадар музей ўз фаолиятини вақтинча тўхтатди. 1945 йилдан вилоят ўлкани ўрганиш музейи 4 та бўлимга эга бўлган ҳолда қайтадан иш бошлади.

1988 йил 22 апрелда Наманган шаҳрининг Нодим Намангоний кўчасида музей учун махсус лойиҳа асосида 3 қаватдан иборат кўркам бино

барпо этилиб, шу йилдан бошлаб музей янги бинода фаолият юрита бошлади.

Ходимларнинг фидокорлиги ва самарали меҳнатлари натижасида музей 1998 йилда 1-тоифали музейлар қаторига кирди.

2012 йил март ойида Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи фаолиятига юқори кўрсаткичларга эришгани ҳисобга олиниб, 115 млн сўмлик 34 дона замонавий витрина бепул тақдим этилди.

2017 йил 11-декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 975-сонли қарори асосида Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи номи ўзгариб Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи деб юритила бошланди. Шу санадан бошлаб олий тоифали музейлар қаторидан ўрин олди.

2018 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Наманган вилоятида фаолият тугатилган музейлардан 36 мингдан зиёд экспонатлар олиб келиниб, тўлиқ давлат каталоги қиритилди.

Ҳозирги кунда музейда 100 мингга яқин экспонат жамланди. 2018-йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Наманган вилояти ҳокимлиги тадбир режасига кўра вилоятнинг 8 та тумани мактаб ва коллеж-лицейларида кўчма кўргазмалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 3-февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш



бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси билан таништириш мақсадида, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Наманган, Андижон ва Фарғона Туризм марказлари билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бугунга келиб, музей тарққиётида ривожланиш янги босқичга кўтарилди. Жумладан, экспозициялар замон та-

лаблари руҳида янги экспозицион режалар асосида қайта жиҳозланиб, саёҳатчилар эътиборига ҳавола этилди. Бу ишларни амалга оширишда музей директори Иброҳимжон Юсупов, музей ходимлари Э.Мирзаалиев, Э.Қорабоев, Л.Аҳмадалиева, Н.Мўминова, А.Азизов, Д.Аҳмаджанова, Г.Валиева алоҳида ташаббус кўрсатишди. Ҳозирда Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида хазина, тарих, табиат, адабиёт ва санъат, мустақиллик, маънавият, хотира ва кадрлаш бўлимлари фаолият юритмоқда.

Исло Каримов,
музейнинг тарих
бўлими мудири

“AUTO AUCTION CENTRE” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ҳокимлиги Молия бўлими балансдаги қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда; 2012 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 339 QBA бўлган “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 34 315 000 (ўттиз тўрт миллион уч юз ўн беш минг) сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 7 февраль кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар 2019 йил 7 февраль кuni соат 16:00 га қадар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2019 йил 8 февраль кuni сотилмаган тақдирда савдо 2019 йил 15, 22 февраль кунлари соат 15:00 да такроран бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризалар қабул қилиш 2019 йил 14 февраль ҳамда 21 февраль кунлари соат 16:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога иштрок этиш учун ариза, заклал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган заклал келишувига асосан мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклал пулини “AUTO AUCTION CENTRE” МЧЖнинг АИТВ “ИПАК YO’LI BANK” Мировод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р:20208000300950272001, МФО:01101, СТИР:305901464. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Мировод тумани Авлэи ота кўчаси, 13.Тел. 99878 150-58-56. Гувоҳнома №656179.



Семинар

**Бухоро
БМСМларида
ўқув
семинари**



2019 йил 8 январь куни БМСМ раҳбарлари, илмий бўлим мудирилари, бош ҳисобчилар, иш юри-тувчилари учун “БМСМларда иш юри-тиш меъёрий ҳужжатлари, молия хўжалик фаолияти ва маъмурий бошқарув мезонлари” мавзусида вилоят ўқув семинар-тренинги ўтказилди. Семинарни вилоят мада-

ният бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсат-ган артист Юлдош Кенжаев кириш сўзи билан очиб бер-ди. Шундан сўнг, Бандликка кўмаклашиш давлат меҳнат ҳуқуқлари маркази катта ин-спектори У.Даурбекова, Мада-ният бошқармасининг юрист маслаҳатчиси У.Жумаев, 5-сон

БМСМ раҳбари И.Хаялиев, 4-сон БМСМ раҳбари У.Ғуломов “БМСМларда таълим йўна-лишлари бўйича ўқув-режалари тўлиқ амалга ошириш монои-торингини юришти тартиби” мав-зуларига доир маърузалари бил-ан иштирок этишди. Анжуман қизгин баҳс-муно-зараларга бой бўлди.

Бизинг суҳбат

“Устозларимиз дoston куйлаганда, тингловчилар йиғлашган”

Шодмон бахши:

Кузатиб бораётганимиз газетамиз саҳифаларида бахшичилик санъатининг дарғалари, бугунги авлод вакиллари билан суҳбатлар уюштириб бораёلمиз. Бу галги суҳбатдошимиз Сурхондарё вилояти Шеробод туманида истикомат қилиб, бу санъатни давом эттириш билан бирга ёш бахши-ларга таълим бериб келаётган Ўзбекистон халқ бахшиси Шодмон Хўжамбердиев бўлди.

— Бахшичилик санъатига кириб келишингиз тарихи қандай бўлган? Шу хусуси-да қисқача сўзлаб берсангиз?

— Саволингиз беихтиёр бо-лалгимни, 4-5 ёшларимда бо-лаларча қизиқиш билан бах-шининг пинжиги тикилар да-ражада у куйлаётган дostonни бор вужудим билан эшитатган чоғларимни ёдимга солди. От-ам бирор тўйга боришга отлан-са, мен дарҳол эргашшни бош-лардим. Онам шўрлик бир гал олиб қолишга уринса, иккин-чи сафар тутиб қололмасди. Қочиб бўлса ҳам отамга эрга-шардим. Ота-онам бир неча ма-ротаба болага ўхшаб уйда тенг-дошларим билан бирор ўйин ўйнасанг бўлмаймиди, деб койишарди. 5 ёшли боланинг бахшини эшитиш учун тўйма-тўй юриши улар учун эриш туюлгандир-да. Шу тарика бу санъатга меҳрим тушиб қолган. Аслини олганда Бойқул бахши, Шокира бахши тоғам, Эргаш бахши амаким бўлади. Уларни ҳам бир неча юз маротаба тин-глаганман. Болаларча таёқни дўмбира қилиб чертиб, бах-шига тақдид қилаётганимни кўрган отам охири оқ фотиҳа бериб, ўзлари билан тўйларга олиб борадиган бўлди. Кейин-чалик Дехқонободлик Қодир бахшига шогирд тушдим. Усто-зим дostonларни шу даражада маҳорат билан ижро этарди-ки, баъзан дostonнинг қайғули жойига келганда уни тинглаёт-ган кишиларнинг кўзи ёшлар-ди. Қодир бахши “Авазхон” дostonини айтганда, Авазхон, “Қундуғди” дostonини айтаёт-ганда Қунтуғди образига кирар, унинг дардини дилдан куй-лагани учун ҳам тингловчига таъсир қиларди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Устозим бир гал-ги ижросида: Авазхонни ёри ва фарзандларини излаб йўлга тушади. Анча юргач, Авазхон-нинг оти Ғирот йиқилиб туша-ди. Авазхон айтади: “Эссиз, бу



от менга дўстлик қилмади. Уни шу ерда қолдириб, яёв бўлса-да, ёрим, фарзандларимни из-лайман”. У шундай деб, йўлга тушади. Саҳар чоғига яқин Ғирот эгасининг ортидан етиб келиб, кишнайди. Авазхон қараса, унинг оғзида боласи-нинг дўпписи... Чўккалаб оти-дан узр сўрайди.

Дostonнинг ана шу дардли, қайғули жойига етганда усто-зимнинг кўзидаги ёш куй-лаётган дostonи билан бир-га юзини юварди. Ана шун-дай давраларнинг бирида бир отахон хўнграб йиғлаб: “Бах-ши бизга раҳмингиз келмаса ҳам, ўзингизни асранг. Ҳали халққа кўп керакдир”, деган-ди. Ушанда, яна минг қарра устозимга ихлосим ортган-ди. Шу тарика у кишининг эта-гини тутиб, бу санъат сири-ни ўргандим. Ҳозирда 20 та до-стонни ёддан айта оламан.

— Мана сиз хизмат юза-сидан тўй-давраларда кўп бўласиз. Асосан, қайси ижро-ни кўпроқ сўрашади?

— Бу даврада йиғилганларга боғлиқ. Мисол учун, ёши улуг-лар жамланган йиғин бўлса, кўпроқ дoston, дostonдан парчалар куйлаб беришни сўрашади. Ўрта ёшлилар анъа-навий термалар яъни устозлар-дан мерос бўлиб келаётган халқ термаларини ижро этиб бера-миз. Ёшлар тўпланган давра-ларда замонавий термалардан

сўрашади. Уни ҳам вазиятга қараб ижро этамиз. Замонавий термаларда: никоҳ тўйи бўлса, келин-куёв ҳақида ёки куёв-нинг шўхроқ жўралари ҳақида, хатна тўйи бўлса, тўй бола, от-аси, акалари.. Хуллас, вазиятга қараб шеър тўкиб, куйга солиб, ижро этиб кетаверамиз. Ахир, бахши ҳам шоир, ҳам ижрочи, ҳам бастакор бўлиши керак. Устозим доим айтарди: “Ана шу учта сифатни ўзида жамла-ган бахши “Бахши шоир бўлади. Қолганлари ижрочи бахшилар-дир”, деб. Мисол учун, ҳозир сизга интервью бераётган ва-зиятда:

Менга ширин сўз келди, Сўзим тезма-тез келди, Ташкентжондан Сурхонга, Бизни излаб мухбир қиз кел-ди. Деб терма айтиш мумкин.

Бахши тўй-давраларда юриб, дostonларини пишитиб ола-ди. Ҳозирги вақтга келиб, до-стонлар кам сўралади, кўпроқ шўхроқ термалардан эшити-ни исташади.

Бугун бахшилар учун яра-тилган шарт-шароитлар таҳ-синга лойиқ, десак мубо-лаға бўлмайди. Ҳаттоки, илк халқаро бахшичилик фести-валининг Сурхон воҳасида ўтказилиши кишига ўзгача ғурур бағишлайди. Бу бора-даги кечинмаларингиз?

— Президентимизнинг “Халқаро бахшичилик санъ-ати фестивалини ўтказиш

тўғрисида”ги қарори эълон қилинганини эшитганимда, шу юртда ва шундай замонда яшаётганимга чин дилдан шук-рона келтирдим. Боси, бах-шичилик санъатининг бугунга қадар қандай йўллари босиб етиб келгани ҳақида ота-бо-боларимиздан эшитганларим-дан баъзан кўркувга тушардим. Ахир, Собиқ тузум даврида бах-шиларни “нотўғри нарсаларни тарғиб қиляпти”, деб қатагон қилишган. Баъзан, совуқ Си-бирга сургун қилишган. Ўша замон бахшилари оиласини химоя қилиш учун: “Мен бахши эмасман” деб дўмбирларини кўми ёширишган, экан. Ана ўша давр фидойи бахшилари Фозил Йўлдош, Эргаш Жуман-булбул томонидан дostonлар, термалар ёзиб олинган ва биз-гача етиб келган. Эргаш Жу-манбулбул Самарқанд бахши-чилигига асос солган бўлса, Шерна бахши Шеробод бах-шичилик мактабини яратган. Туркменистон, Афғонистон бахшилари ҳам Шеробод до-стончилиги асосида ижрони ўрганишган. Ҳозирги ёшларга чин маънода ҳавасим келади. Ўзим бахшичиликни ўрганган кезларимни эсласам, бугунги шарт-шароитларни “шоҳона” дейиш мумкин. Ҳозирда Ше-робод тумани Маданият ва аҳоли дам олиш марказида тўғарақ раҳбариман. Бир неча ёш бахшиларга устозларимдан

ўрганганларимни ўргатаёман. — Ҳар бир касб эгаси-нинг асосий вазифаси ўзига муносиб издшо таяёрлаш, дейишади. Сизда бу жараён қандай кечяпти?

— Астойдил шогирдлик-ка тушганлардан ўғлим Ше-рвали, Санжарбек, Самарид-дин бахшиларга устозлик меҳрини беришга ҳаракат қиляпман. Журналистлар бил-ан суҳбатларимизда кўпинча сўраб қолишади. “Сизнингча, бир шогирднинг бахши дара-жасига етишишига қанча вақт кетади?” деб.

Мисол учун, устозим Қодир бахши мени 10 йил ёнлари-да олиб юриб, устозлар назди-да “пишиб, етилган”лигимга кўзлари етгандан сўнг, оқфотиҳа бериб: “Энди мустақил куйла-шинг мумкин”, деганди. Ана шу 10 йил давомида устозимга эр-гашиб, дўмбирасини кўтариб юриб, дoston айтаётганда чар-чаб қолганда кўмаклашиб ўрганганман. Устозимдан сўнг, Ўзбекистон халқ бахшиси Каҳҳор бахши Раҳимов, Чори бахши, Қора бахши каби устоз бахши-лардан ҳам йўл-йўриқ сўраб ту-раман. Шогирдларимга ҳам до-им изланишдан тўхтамаслик кераклигини уқтираман. Ахир, “Бешиқдан то қабргача илм изла” дейишгани бежизга эмасда.

Шодмон бахши билан бўлган суҳбатимиздан сўнг, эл сев-ган дostonу, термалардан пар-чалар тингладик. Тинглаган-да ҳам ҳақиқатда бетакрор ижродан роҳатланиб тингла-дик. Истардикки, бахшичи-ликдан бизнинг авлодларимиз ҳам ана шундай даражалар-да роҳатланиб, тинглаб юриш-син. Бунинг учун эса, ҳар бир халқ бахшисининг салоҳияти бахшичилик санъатининг ав-лоддан-авлодга беэиён, ак-синча бойиб боришига хизмат қилиши лозим.

Суҳбатни М.Каримова эзиб олди.

<p>МАДАНИЯТ ОВУНА ИНДЕКСИ: 285</p>		<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.</p>	<p>Навбатчи: Н. Содиқова Адади - 11 492 Буюртма - Г - 127 Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3 Ҳажми 2 босма табок</p>	<p>Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42. Босмаҳонага топшириш вақти - 22.20 Топширилди - 22.20 1 2 3 4 5</p>
<p>МУАССИСЛАР: “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, «Dildosh media» МЧЖ</p>	<p>Бош муҳаррир Дилбахор Худойбердиева</p>	<p>Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p>	<p>Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.</p>	